


Моя профессиональная
карьера



ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ
СЕРТИФИКАТ
О ПУБЛИКАЦИИ

Настоящий сертификат подтверждает публикацию материала в
международном научно-образовательном электронном журнале
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»
(ISSN 2658-7998)

Мухторов Бахтиёр Зокирович

Самарканд ветеринария медицинаси институти

Наименование материала: «ҚОРАМОЛЛАР БАРМОҚ СОҲАСИДА
ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК ЖАРАЁНЛАРНИ КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ»

Главный редактор,
ответственный за выпуск



С.В. Пестерев



№ АЗ-20210626-26 от 26.06.2021 г.

Является средством массовой информации. Свидетельство о регистрации СМИ №ЭЛ ФС
77-77927 от 19.02.2020 г. выдано Федеральной службой по надзору в сфере связи,
информационных технологий и массовых коммуникаций (Роскомнадзор)



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

**Выпуск №15 (том 2)
(июнь, 2021)**

SOLVE INACCURACIES IN THE FORM OF ZERO DISTRIBUTION ZERO AND INFINITE DISTRIBUTION INFINITE IN THE LIMIT Shukurov Farhod Mahmudovich	1261
ОФИЦЕРНИНГ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТИ Анорбоев Фаррух Рустамович	1265
УСМИРЛАРНИНГ ГАЙРИИЖТИМОЙ МОЙИЛЛИКЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧДА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ Мусаев Шавкат Раҳим ўғли	1270
ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БУЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Нисёзов Фарход Абдуллатибович	1275
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ХУКУҚБУЗАРЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ - ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ Утешов Аскарали Неметуллаевич	1281
КОНСТИТУЦИЯ - ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАККИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР Хошимов Ўткир Тўлкинович	1286
MUSTAQIL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA YOSHLAR HUQUQLARINING KAFOLOTLANISHI Akbaraliev Shaxboz Fayoz o'g'li	1292
LEKSEMALARDA PARADIGMATIK VA SINTAGMATIK MUNOSABATLAR Mahliyo Sheraliyeva	1297
ЧЕТ ЭЛ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМЛАРИ Я.Э.Алиев, Н.Б.Эргашова	1301
THE WAYS OF TEACHING THE ACTIVENESS OF THE SUN AND ITS INFLUENCE ON THE HEALTH OF THE PEOPLE AND INVERONMENT ARE THE LESSON ASTRONOMY S.X. Mirzakhandova	1310
LINGVISTIK EKSPERTIZA VA HUQUQ MUNOSABATI Yo'ldosheva Yulduz Abdikarim qizi	1313
MUSIQA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA METODLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI Kazakov Hamro Egamberganovich	1320
ҚОРАМОЛЛАР БАРМОҚ СОҲАСИДА ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ КЕЧКИ ХУСУСИЯТЛАРИ Мухторов	1324

ФНО автора: *Мухторов Бахтиер Зокирович*

Самарканд ветеринария медицинаси институти

Название публикации: «ҚОРАМОЛЛАР БАРМОҚ СОҲАСИДА
ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК ЖАРАЁНЛАРНИ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ»

УДК:619:636.2:617.3

Аннотация. Ушбу мақолада қорамолларда учрайдиган бармоқ соҳаси йирингли-некротик жараёнлари тўғрисидаги адабиёт маълумотлари келтирилган.

Калит сўзлар: *патоген, экссудат, йирингли-некротик, зардобли, фибриноз, яллиғланиш.*

Аннотация. В статье представлены литературные данные о гнойно-некротических процессах области пальца крупного рогатого скота.

Ключевые слова: *возбудитель, экссудат, гнойно-некротический, сыворотка, фибриноз, воспаление.*

Annotation. The article presents literature data on purulent-necrotic processes in the area of the toe of cattle.

Key words: *causative agent, exudate, purulent-necrotic, serum, fibrinosis, inflammation.*

Датъярб.лиги. Йирнк шохли моллар туёғининг йирингли-некротик яллиғланишларини келиб чиқиши ва тарқалишининг асосий сабабларига оёқларнинг дистал соҳасидаги шикастланишлар, нисбий намликнинг юқорилиги, чорвачилик биноларида доимий юқори намлик, минерал моддалар алмашинуви, хусусан фосфор-кальций нисбатининг бузилиши, хайвон организмида олтингугурт, кобальт, рух каби элементларнинг етишмаслиги, микроорганизмларнинг ҳар хил ҳолатда доимий мавжудлиги ва уларнинг патогенлик хоссаларини кучайиши ҳамда асосан юқори маҳсулдор сигирлар организмнинг иммунобиологик резистентлигини пасайиши кабиларни киритиш мумкин. Тулигича оксидланмаган захарли моддаларнинг тупланиши

энергетик материаллар ва оксилларнинг парчаланиши жараёнини сусайтиради. бу эса патологик ўчоқда деструктив жараёнларни ошишига олиб келади.

Қатор касалликларнинг патогенезида антиген ва антигана бирикиши натижасида ҳосил бўладиган ва қонда циркуляцияланувчи иммун комплекслар (ЦИК) муҳим ўрни тутishi аниқланган. Муаллифларнинг кузатишларига кўра, сигирларда йирингли-катарал эндометрит ва мастит фониди кечадиган туёқ касалликлари иммунокомплексе патологияларни келтириб чиқаради. туёқлар томирлар тизимининг морфофункционал хусусиятлари циркуляцияланувчи иммун комплексларни туёқлар тери асосининг деворига ёпишиб қолиши оқибатида функцияларини бажара олмасдан, унинг экссудатни ўтказувчанлигини оширади [1].

Йирингли пододерматит билан касалланган сигирлар оёқларнинг йирингли-некротик жараён кечаётган жойдан олинган экссудат ва йиринг намуналари микробиологик текширувдан ўтказилганида, *Staph. aureus*, *Staph. epidermidis*, *Str. pyogenes*, *E. coli*, *Proteus vulgaris*, *Pasteurella multocida*, *Pseudomonas aeruginosa* патоген микроорганизмлар қайд этилган [2].

Ҳужалик шаронтида йиринк шохли моллар оёқларида учрайдиган касалликларни диагностика қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, сигирларнинг 10 бошида прекарпал бурсит, 14 бошида товон бўғимининг зардобли, зардобли-фибриноз бурситлари қайд этилган [9].

Сигирлар тарсал бўғимининг сурункали бурсити реовазограмма қилиш йўли билан қон билан таъминланиш хусусиятлари ўрганилган ва касал сигирларда реовазограмма тўлкини сегментсиммон кўринишида бўлиши, бу эса коллатерал қон билан таъминланишидан далолат бериши, эгри чизик баландлиги камайиши, қўшимча тўлкини йўқолиши каби белгилар қайд этилган [10].

Сут йўналишидаги сигирларда оёқлар жарроҳлик касалликлари ўрганилган бўлиб, юқори маҳсулдор сигирларда жарроҳлик касалликлар умумий касалликларга нисбатан 84 % ни ташкил этган [12]. Бунда, энг кўп ҳолатларда бурситлар, хусусан тарсал бўғим бурситлар қайд этилган. Қон зардобли

биокимёвий текширилганида, умумий оксил, глобулинлар, мочевино, холестерин ва фосфор миқдорини ошганлиги кузатишган.

В.Б.Борисевичнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, йирик шохли моллар туёқ касалликларини келиб чиқишига фақат моционни йўқлиги ва оёқларни нотўғри босиш эмас, балки ламинитлар ривожланишини келтириб чиқарадиган концентрат типидagi озиклантириш ҳам сабаб бўлади [2].

А.И.Жигачев эса генларнинг мутацион таъсири оқибатида йирик шохли молларнинг 50 га яқин турли патологиялари келиб чиқишини эътироф этади. Унинг фикрига кўра, ҳайвонлардаги аномалияларга нафақат морфологик намоянча бўлган мажруҳлик, балки моддалар алмашинувининг бузилиши билан кечиши ҳам киради [6].

Тадқиқотчиларнинг таъкилашича, коннинг биокимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш катта диагностика аҳамиятга эга бўлиб, ҳатто коннинг тўлиқ бўлмаган гематологик ва биокимёвий таҳлили ҳам мутахассисга ҳайвон организми ҳолатини ишончли аниқлаш учун старли, кон таркибини даврий равишда текшириб бориш эса нафақат организмнинг умумий ҳолатини, балки касалликнинг оқибатини олдиндан билиш, даволаш ишларини мувофиқлаштириш, у ёки бу дори воситаларининг таъсирини ўрганиш имконини беради [5.13].

И.С.Панькоинг маълумотларига кўра, оёқларнинг дистал бўлими касалликларини асосий сабабларни ҳайвонларни сақлаш шароити ва озиклантиришни алмашуви, шунингдек пода гуруҳларини шакллантиришда хатоликка йўл қўйилиши ҳисобланади [11].

Ростов вилоятининг ҳаётий муҳим микроэлементлар танқислиги кузатишган ҳудудларидаги йирик шохли молларнинг “она-авлод” тизимида носпецифик резистентлик кўрсаткичлари динамикаси ўрганишган бўлиб, олиб борилган гематологик ва иммунологик текширишлар натижасида кобальт, мис ва рух элементларининг алиментар танқислиги белгиси бўлган бўғоз сизирлар ва улардан олинган бузоқларда бироз лейкоцитоз, гипохром анемия аниқланган [4].

биокимёвий текширилганида, умумий оксил, глобулинлар, мочевино, холестерин ва фосфор миқдорини ошганлиги кузатишган.

В.Б.Борисевичнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, йирик шохли моллар туёқ касалликларини келиб чиқишига фақат моционни йўқлиги ва оёқларни нотўғри босиш эмас, балки ламинитлар ривожланишини келтириб чиқарадиган концентрат типидagi озиклантириш ҳам сабаб бўлади [2].

А.И.Жигачев эса генларнинг мутацион таъсири оқибатида йирик шохли молларнинг 50 га яқин турли патологиялари келиб чиқишини эътироф этади. Унинг фикрига кўра, ҳайвонлардаги аномалияларга нафақат морфологик намоян бўлган мажруҳлик, балки моддалар алмашинувнинг бузилиши билан кечиши ҳам киради [6].

Тадқиқотчиларнинг таъкилашича, коннинг биокимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш катта диагностика аҳамиятга эга бўлиб, ҳатто коннинг тўлиқ бўлмаган гематологик ва биокимёвий таҳлили ҳам мутахассисга ҳайвон организми ҳолатини ишончли аниқлаш учун старли, кон таркибини даврий равишда текшириб бориш эса нафақат организмнинг умумий ҳолатини, балки касалликнинг оқибатини олдиндан билиш, даволаш ишларини мувофиқлаштириш, у ёки бу дори воситаларининг таъсирини ўрганиш имконини беради [5.13].

И.С.Паньковнинг маълумотларига кўра, оёқларнинг дистал бўлими касалликларини асосий сабабларни ҳайвонларни сақлаш шароити ва озиклантиришни алмашуви, шунингдек пода гуруҳларини шакллантиришда хатоликка йўл қўйилиши ҳисобланади [11].

Ростов вилоятининг ҳаётий муҳим микроэлементлар танқислиги кузатишган ҳудудларидаги йирик шохли молларнинг “она-авлод” тизимида носпецифик резистентлик кўрсаткичлари динамикаси ўрганишган бўлиб, олиб борилган гематологик ва иммунологик текширишлар натижасида кобальт, мис ва рух элементларининг алиментар танқислиги белгиси бўлган бўғоз сизирлар ва улардан олинган бузоқларда бироз лейкоцитоз, гипохром анемия аниқланган [4].

Организмида моддалар алмашинуви бузилиши кузатилган ва туғишига 2 ой колган юкори махсулдор сигирлар конининг биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилиши натижасида субклиник алиментар остеодистрофия билан касалланган сигирларда кляник соғлом сигирларга нисбатан гипокальциемия, гипофосфатемия, мис, рух, захира ишқорийлик, кальцитонин, кальцитриолларни бирмунча камлиги, паратгормон эса ошиб кетганлиги аниқланган [8].

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, сигирларда пододерматитлар, Рустергольц яраси, туёк шох моддасининг деформацияси, туёк остининг жароҳати, туёк деворининг некрози, ламинитлар кўп учраб, туёкнинг дорсал девори ости некрози дастлабки босқичда оқсаш билан бошланади, сўнгра туёк деворини юкорига ва ичкарига ўсиши натижасида емирилиш жараёни секин-аста дорсал томондан туёк девори остига таркала бошлайди. Зарарланган туёкнинг эни соғлом туёкниқига нисбатан 1,5-2 мартаба кенгрок бўлиши кузатилади [14].

Ҳар хил зотга мансуб сигирлар туёкларининг гистологик, биофизик хусусиятлари ўрганилган. тадқиқотлар натижасида туёкнинг гистологик тузилиши, хусусан туёкнинг шох моддасидаги найчаларнинг сони бевосита унинг биофизик хоссасини белгилаши, яъни найчалар миқдори туёкнинг дорсал деворида юкори бўлиши, шунга мос равишда айнан туёкнинг шу соҳасида каттиклик даражаси ҳам юкори бўлиши аниқланган [3].

Хулоса. Сигирларда бармоқ соҳасининг йирингли-некротик шикастланишларда церулоплазмин миқдори бўғозлик даврида паст бўлиши, туғишдан олдин ва кейин эса ортиши, ушбу сигирларда мочевино кўрсаткичи бўғозлик ва туғишдан олдин паст бўлиши қайд этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Борисевич В.Б., Борисевич Б.В., Сытнюк В.Г. Иммунокомплексный пододерматит у коров // Ветеринария. -2009. -№ 4. –С. 40-41.
2. Борисевич В.Б., Мельникова Н.Н., Кудрявченко А.В. Радиационная остеодистрофия у коров // Украина, Аграр. наука, -2000. -№ 1. –С. 12-13.